

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2026 йил апрель ойининг 6 куни, жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси Б.Якубовнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Курбановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Боғот туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Самандаров, жабрланувчи С.Мамирова, судланувчи О.Бобоназаров, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган “Нақіқат һимоячиси” адвокатлик фирмаси адвокати М.Худайберганоўларнинг иштирокида,

Бобоназаров Отаназар Жуманазарович
(Bobonazarov Otanazar Jumanazarovich) – 08.01.1995 йилда Хоразм вилояти, Боғот туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оиласидан ажрашган, тўрт нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта-маҳсус, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Боғот тумани, “Абу Райхон Беруний” маҳалласи, Табобат кўчаси, 34-уйда доимий рўйхатда туриб яшайди, иш бўйича 2026 йил 26 февраль кунидан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддаси 1-қисми билан айблаш ҳақидаги 1-2205-2601/31-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи **О.Бобоназаров**, 2024 йил 1 мартдаги фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судининг 3119-сонли суд буйруғи бўйича чиқарилган ижро варақасига асосан фуқаро С.Мамированинг фойдасига бир нафар фарзандининг моддий таъминотлари учун вояга етгунига қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундирилиши белгиланган бўлсада, алимент тўлаш ҳақидаги ушбу суд ижро ҳужжатларида кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаб келганлиги учун 2025 йил 17 апрель кундаги жиноят ишлари бўйича Хонқа туман судининг қарорига асосан МЖТК 47⁴-моддаси 1-қисми билан 10 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган бўлишига қарамасдан, моддий ёрдамга муҳтож бўлган бир нафар вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб, суд қарорига асосан ундирилиши лозим бўлган маблағларни 2025 йил 1 апрель кунидан 2026 йил 1 февраль кунига қадар бўлган даврда тўланиши лозим бўлган 13.888.842 (ўн уч миллион саккиз юз саксон саккиз минг саккиз юз қирқ икки) сўм миқдоридаги тўловини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.



Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган О.Бобоназаров судда унга нисбатан қўйилган айбловга тўлиқ иқрор эканлигини билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2022 йилда С.Мамирова билан турмуш куриб, турмушлари давомида 2023 йил 3 сентябрь кунида ўғил фарзанди Жуманазаров Амирхон Отаназарович дунёга келганлиги, кейинчалик турмуш ўртоғи билан ўзаро келишаолмасдан қолганликлари сабабли 2024 йилда турмуш ўртоғи С.Мамировани ота-онасини хонадонида қолдириб, ўзи ижарада туриш учун уйдан чиқиб кетганлиги, шундан сўнг турмуш ўртоғи С.Мамирова ундан ушбу ўғил фарзанди учун алимент ундириш борасида фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судига ариза билан мурожаат қилганлиги ва 01.03.2024 йилдаги суд буйруғига асосан ундан ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундириш белгиланганлиги, бироқ ушбу алимент тўловларини соғлиғи яхши бўлмаганлиги ва тайинли иш топа олмаганлиги сабабли ўз вақтида тўлаб билмасдан келганлиги, шундан сўнг давлат ижросиси томонидан суд буйруғига асосан ҳисобланган алимент қарздорлигидан ҳисоб-китоб қилинган алимент тўловларини 2024 йил 1 март кунидан 2025 йил 01 апрель кунига қадар бўлган давр учун 15.572.437 сўм алимент қарздорлиги ҳисобланиб, ушбу қарздорликни тўламасдан келганлиги оқибатида 2025 йил 17 апрель кунида жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди томонидан МЖТК 47⁴-моддаси 1-қисми билан 10 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлиги, ушбу маъмурий жазони ўтаб чиққанидан сўнг, ишсиз бўлганлиги ва кам таъминланган оилалиги, ота-онаси ҳам кексайиб касалванд бўлиб қолганлиги ва биринчи турмушидан ҳам бўлган уч нафар фарзандининг бир нафари ногирон бўлиб, уни ҳам даволатиш учун пул зарур бўлганлиги сабабли ҳам ушбу суд қарори ижроси бўйича белгиланган алимент тўловларини маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиққандан сўнг ҳам, яъни 2025 йил 01 апрель кунидан 2026 йил 1 февраль кунига қадар бўлган давр учун ҳисобланган 13.888.842 сўм алимент тўлай олмасдан келганлиги, бироқ ҳозирда ҳам тайинли иш топа олмасдан, кунлик ишларни бажариб, мардикорлик ҳисобига даромад топиб келаётганлиги сабабли ушбу қолган жами 29.461.279 сўм алимент қарздорлигини ҳар ойда тўланадиган алимент тўловларига қўшиб тўлаб боришини ва тез орада алимент қарздорлигини бартараф этиш чораларини кўришини, содир қилган ушбу қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалиги, бошқа бундай қонун бузилиши ҳолатларини такрорламаслигини баён қилиб, суддан қонун доирасида енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган С.Мамирова судда, қуйидагиларни, яъни 2022 йилда судланувчи О.Бобоназаров билан турмуш куриб, турмушлари давомида 2023 йил 3 сентябрь кунида ўғил фарзанди Жуманазаров Амирхон Отаназарович дунёга келганлиги, кейинчалик ўрталаридаги ўзаро келишмовчиликлар сабабли турмуш ўртоғининг ота-онасини уйда қолганлиги, лекин судланувчи биринчи тармуш ўртоғи билан яшаш учун ота-онасини уйдан чиқиб кетганлиги, шундан сўнг вояга етмаган бир нафар ўғил фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш мақсадида фуқаролик ишлари



бўйича Боғот туманлараро судига ариза билан мурожаат қилганлиги шундан сўнг, 01.03.2024 йилдаги суд буйруғига асосан фарзандларининг моддий таъминоти учун судланувчидан ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент тўловлари ундирилиши белгиланганлиги, бироқ судланувчи О.Бобоназаров 2024 йил 1 март кунидан 2025 йил 1 апрель кунига қадар бўлган давр учун 15.572.437 сўм алимент қарздорлиги ҳисобланиб, ушбу қарздорликни тўламасдан келганлиги оқибатида 2025 йил 17 апрель кунда жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТК 47⁴-моддаси 1-қисми билан 10 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлиги, судланувчи ушбу маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиққанидан сўнг ҳам, бундан ўзига тегишли ҳулоса чиқармасдан, 2025 йил 1 апрель кунидан 2026 йил 1 февраль кунига қадар бўлган давр учун ҳисобланган 13.888.842 сўм алимент тўловларини, жами бўлиб эса 29.461.279 сўм тўловларни тўламасдан келганлиги, ҳозирда ёлғиз ўзи фарзандини вояга етказётганлиги сабабли қийналаётганлиги учун судланувчидан ушбу алимент қарздорлигини ундирилишида амалий ёрдам беришни, агарда ушбу алимент қарздорлигини тўламаган тақдирда судланувчига нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Ш.Душамов судда, қўйидагиларни, яъни у ҳозирда Мажбурий ижро бюроси Боғот туман бўлимида давлат ижрочиси вазифасида ишлаб келаётганлигини, 2024 йил 1 март кундаги фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судининг суд буйруғига асосланган ижро варақасига асосан судланувчи О.Бобоназаровдан жабрланувчи С.Мамированинг фойдасига бир нафар ўғил фарзандининг моддий таъминотлари учун вояга етгунига қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундирилиши белгиланганлиги, бироқ судланувчи О.Бобоназаров 2024 йил 1 март кунидан 2025 йил 1 апрель кунига қадар бўлган даври учун ҳисобланган 15.572.437 сўм алимент қарздорлигини тўламасдан келганлиги сабабли 2025 йил 17 апрель кунда жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТК 47⁴-моддаси 1-қисми билан 10 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлиги, ушбу маъмурий жазони ўтаб чиққанидан сўнг ҳам 2025 йил 01 апрель кунидан 2026 йил 01 февраль кунига қадар бўлган давр учун ҳисобланган 13.888.842 сўм алимент қарздорлигини ҳам тўламасдан келганлиги оқибатида ҳозирда тўланмасдан қолган алимент қарздорлиги жами 29.461.279 сўмни ташкил қилишини ва ушбу алимент қарздорликлари умуман тўланмаганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Суд, судланувчи *О.Бобоназаров*нинг унга нисбатан қўйилган айбловга, тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлсада, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига ЖПК 98 ва 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда жиноят иши материалларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, судланувчининг



мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни жиноят иши материалларида тўпланган 01.03.2024 йилдаги фуқаролик ишлари бўйича Боғот туман судининг буруғи ва унга илова қилинган ижро ҳужжатлари (*ишининг 3-18-варақалари*), 17.04.2025 йилдаги жиноят ишлари бўйича Хонқа туман судининг қарори (*ишининг 19-21-варақалари*), жабрланувчи С.Мамированинг тушунтириш хати (*ишининг 22-варақаси*), алимент қарздорликни ҳисоблаш қарори ва унга илова ҳужжатлар (*ишининг 23-26-варақалари*), талабномалар ва уларга олинган жавоб хатлари (*ишининг 27-32-варақалари*), иш бўйича тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган ЖПК 11, 81-82 ва 94-95-моддалари тартибида иш бўйича тўпланиб, текширилган ва баҳоланган ишончли ва мақбул далиллар мажмуи билан исботланиб, ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари суд, судланувчи О.Бобоназаровнинг тайинли иш топа олмасдан суд қарорига асосан унга нисбатан тайинланган алимент тўловларини ўз вақтида тўлай олмаганлиги сабабли ҳозирда кунлик мардикорлик ишларини бажариш орқали даромад топаётганлиги учун ушбу тўланмасдан қолган жами 29.461.279 сўм алимент қарздорлигини ҳар ойда тўланадиган алимент тўловларига қўшиб тўлаб боришини ва тез орада алимент қарздорлигини бартараф этиш чораларини кўришини, шу сабабдан унга фақат муҳлат бериш ҳақидаги кўрсатмаси билан келишмайди ва унинг ушбу кўрсатмасида келтирган важларини судни чалғитиш мақсадида, содир қилган жиноятини енгиллаштириш ва жазодан қутулиб қолиш учун қилаётган ҳаракатлари деб, танқидий баҳолашни ва рад қилишни лозим топади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларни ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 16-банди “Оила кодексининг 140-моддаси мазмунига кўра, агар алимент тўлаши шарт бўлган шахс муайян даврда ишламаган бўлса, алимент бўйича қарз қарз ундирилаётган пайтдаги Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилиши, Оила кодексининг 141-моддаси талабларидан келиб чиқиб, суд ҳужжатида белгиланган миқдордаги алимент қарзларини тўлашдан тўла ёки қисман озод этишга фақат суд тартибида йўл қўйилиши, шу боис, алимент тўлашдан тўла ёки қисман озод этиш тўғрисида суд қарори мавжуд бўлмаган тақдирда, шахснинг моддий ва оилавий шароити оғирлигини важ қилиб, алимент тўлашдан бўйин товлаши ЖК 122-моддаси билан жиноий жавобгарликни истисно қилувчи ҳолат сифатида қабул қилинмаслиги лозим”лиги тушунтирилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори 5-бандида “Судлар ҳукм ЖПК 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”лиги тўғрисидаги тушунтиришига амал қилиб, судланувчининг қилмишини



малакаланиши масаласини муҳокама қилиб, дастлабки суриштирув органи томонидан судланувчи О.Бобоназаровнинг жиноий қилмиши ЖК 122-моддаси 1-қисми, яъни “*Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*” билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида “Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур” эkanлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларни ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 14-бандида “Қуйидагилар шахсни ЖК 122-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш шартлари ҳисобланади, яъни моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлаш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи мавжудлиги; бундай шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун шахсга нисбатан муқаддам маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги; ушбу маблағ жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўланмаслиги” деб тушунтирилган.

ЖПК 415-моддаси 1-қисмида, “Суд айбловни ўзгартиришга ҳақли, бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятнинг тавсифий аломатлари чиқариб ташланади” – деб кўрсатилган.

Суд, суриштирув органи томонидан О.Бобоназаровга 29.461.279 сўм миқдоридаги алимент пулларини тўлашдан қасдан бўйин товлаганликда қўйилган айб тавсифини, 2025 йил 1 апрель кунидан 2026 йил 1 февраль кунига қадар, яъни 11 ой мобайнида жами 13.888.842 сўм миқдоридаги алимент пулларини тўлашдан қасдан бўйин товлаб келган деб ўзгартиришни лозим топади.

Чунки, судланувчи О.Бобоназаров 2024 йил 1 март кунидан 2025 йил 1 апрель кунига қадар тўлаши лозим бўлган 15.572.437 сўм миқдорида алимент пулларини тўламаганлиги сабабли 2025 йил 17 апрель кунда жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди томонидан МЖТК 47⁴-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Судланувчини жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлган, алимент тўлашдан бўйин товланган вақт 01.04.2025 йилдан 01.02.2026 йилга қадар бўлган даврдаги алимент миқдори 13.888.842 сўм ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларни ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир



қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 15-банди 4-қисмида “Судлар ҳукм чиқараётганда судланувчидан суд ҳукми билан аниқланган алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлиги билан бир қаторда, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлигини ҳам ҳисобга олиб ундиришни белгилашлари шарт”лиги тушунтирилган.

Судда аниқланган ҳолатлар ва ишда мавжуд далилларга кўра, судланувчи О.Бобоназаров маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлган, яъни 01.04.2025 йилдан 01.02.2026 йилга қадар тўлаши лозим бўлган 13.888.842 (ўн уч миллион саккиз юз саксон саккиз минг саккиз юз қирқ икки) сўм миқдоридаги алимент пулларини ҳам бугунги кунга қадар умуман тўламаган.

Шу сабабдан суд, жиноят оқибатида етказилган зарарларни ундириш масаласини муҳокама қилишда, судланувчидан унинг маъмурий жавобгарликка тортилишига асос бўлган 15.572.437 сўмни ҳамда жиноят иши қўзғатилишига асос бўлган 13.888.842 сўмни қўшиб, жами 29.461.279 сўмни жабрланувчи С.Мамированинг фойдасига ундиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак”лиги тушунтириш берилган.

ЖК 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбининг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши, Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун



жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида ЖК 8 ва 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Суд, юқорида қайд этилган Конституциявий нормалар, қонун талаблари ва Олий суди Пленум Қарорларидаги тушунтиришларга амал қилиб, судланувчи О.Бобоназаровга жазо тури ва меъёрини белгилашда, унинг етказилган зарарлар қопланмаганлигини, суд қарорлари ижросини таъминлашдан бўйин товлаб келганлигини ЖК 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисоблаб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлиги, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлигини ЖК 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб инобатга олиб, унинг қилмиши учун талқин этилаётган ЖК 122-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, тайинланган жазони ЖК 50-моддаси 7-қисми “а” бандига асосан 2026 йил 6 апрель кунидан бошлаб, манзил-колонияларда ўташни белгилашни ва ЖПК 237 ва 422-моддалари тартибда унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини ўзгартириб, суд мажлиси залида қамоққа олишни ва ҳукм қонуний кучга кириб, этап қилингунга қадар 11-сонли тергов ҳибсхонасига жойлаштириб, ЖПК 217-моддасига асосан бу ҳақда судланувчининг оила аъзоларига хабар беришни лозим топади.

Шунингдек, суд жиноят оқибатида манфаатдор тарафларга, шу жумладан жабрланувчига мазкур жиноят иши юзасидан келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай моддий ва маънавий зарар юзасидан тегишли тартибда фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20, 77-моддалари ҳамда ЖПК 217, 237, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473 ва 475-моддаларига мувофиқ, суд ҳукм қилади,

ҳ у к м қ и л а д и:

Бобоназаров Отаназар Жуманазарович (Bobonazarov Otanazar Jumanazarovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

О.Бобоназаровга ЖК 122-моддаси 1-қисми билан 8(саккиз) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

О.Бобоназаровга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, у дарҳол суд мажлиси залида қамоққа олинсин ва этап қилингунга қадар Ўзбекистон Республикаси ИИВ



хузуридаги жазони ижро этиш департаменти олтинчи минтақавий ҳудуд 11-сон тергов ҳибсхонасига жойлаштирилиб, суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар қўлланилган “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси аслича қамокда сақлаш тарзида қолдирилсин.

Тайинланган жазо манзил-колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2026 йил 6 апрель кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, судланувчи О.Бобоназаровдан жабрланувчи Мамирова Сабоҳат Хўжамурод қизи фойдасига жами 29.461.279 (*йигирма тўққиз миллион тўрт юз олтмиш бир минг икки юз етмиш тўққиз*) сўм ундирилсин.

Манфаатдор тарафларга, шу жумладан жабрланувчига мазкур жиноят иши юзасидан келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай моддий ва маънавий зарар юзасидан тегишли тартибда фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

ЖПК 497⁴-моддасига мувофиқ ҳукмдан норози тарафларга ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, жабрланувчи ва судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди орқали Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ЖПК 498-моддасига мувофиқ суднинг ҳукми апелляция тартибида кўрилмасдан қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи судья

Б.Якубов

